

**Нефт маҳсулотларини етказиб бериш тўғрисида шартнома**  
**№ 6**

2022 йил «05» январ

Нуробод шахри

Бундан буён матнда “Етказиб берувчи” деб аталувчи “**DIAMOND KLAСSIK SERVIS**” МЧЖ директори **М.Авазов** ўз низоми асосида фаолият олиб борувчи бир томондан, бундан буён матнда “Истеъмолчи” деб аталувчи **Нуробод туман ҳокимлиги молия бўлими** номидан раҳбари **О.Абдусаломов** ўз низомига асосан иш олиб борувчи иккинчи томондан ушбу шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар:

**1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ**

1.1. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га нефт маҳсулотларини суюлтирилган газ бўйича 2022 йилга ажратилган лимитларга асосан «Таъминотчи»нинг ресурс имкониятлари ва «Истеъмолчи»нинг талабномасида кўрсатилган эхтиёжларига асосан тузилган ва томонлар келишилган спецификацияга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади.

1.2. Мазкур шартноманинг умумий сўммаси **4 500 000,0 (Тўрт миллион беш юз минг)** сўмни ташкил қиласи. Шартнома сўммаси «Узнефтгазмаҳсулот» АЖ, нефтни кайта ишлаш заводлари ва бошка нефт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқилаётган нефт маҳсулотларининг нархлари, нефт маҳсулотини ташиб билан боғлик йул харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ва Молия вазирлиги қарорига асосан ўзгартирилганда ёки нефт маҳсулотлари таъминоти корхоналарининг устама нархлари ўзгарганда ёхуд нархлар бошка объектив сабабларга кўра ўзгарганда шартноманинг умумий киймати узгаради.

**2. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ**

2.1. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи» га ажратилган лимитлар доирасида, «Истеъмолчи» тақсимотига кўра ўз транспортида, марказлаштирилган тарзда, «Транзит» билан ёки ёқилғи қўйиш шахобчаларидан тарқатиш ведомостлари асосида белгиланган тартибда (кераклисими ости чизиб қўйилсин) етказиб берилади.

2.2. Нефт маҳсулотларини (олиб чиқиб кетиш) «Узнефтмаҳсулот» АКси томонидан ажратилган ойлик режа асосида, юкланадиган маҳсулот учун ой бошланишидан 15 кун олдин тулик тулангандан сунг режалаштирилади ва томонлар келишивуга асосан, ортиш жадвалига асосан амалга оширилади. Маҳсулотни ортиш вақти томонлар келишивуга асосан ўзгартирилиши мумкин.

Спецификацияда курсатилган маҳсулот микдори ва суммаси узгарса томонлар келишивуга асосан кушимча спецификация тузилиши мумкин ёки «Истеъмолчи»нинг хати ёки тақсимот хужжати урнида асос хисобланиши мумкин.

2.3. «Истеъмолчи» нефт маҳсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишида нефт маҳсулотларини ташиб кетишга қўйиладиган барча талабларга риоя килишни ўз зиммасига олади.

2.4. «Таъминотчи» омборига маҳсулот қўйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар маҳсулот қўйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларнинг бўш бориб келиши учун қилинган ҳаражатлар «Истеъмолчи» зиммасига, маҳсулот маҳсус транспортида ташиладиган булса, транспорт ташкилоти зиммасига тушади.

2.5. Нефт маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар («Истеъмолчи»нинг автотранспортида олиб кетиши ҳоллари бундан мустасно) нефт база ёки унинг бўлимлари томонидан амалдаги меъёрий техник хужжатларга (1540-84 давлат стандарти) мос тарзда тамғаланади. Тамғалаш «Истеъмолчи»нинг талабига биноан амалга оширилади.

### **3. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ**

3.1. Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар тулов талабномалари асосида амалга оширилади.

3.2. Истеъмолчи” олаётган нефт маҳсулотлари хақини олдиндан 100% тўлаб беришни ўз зиммасига олади.

3.3. «Таъминотчи» нефт маҳсулотларини «Истеъмолчи»га маҳсулотни юклаш пайтидаги улгуржи нархда сотади, бунда корхона устами нархи ва темир йул харажатларини ҳисобга олинган.

### **4. ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

4.1. Нефт маҳсулотларини микдор ва сифати бўйича “Истеъмолчи” «Таъминотчи»дан амалдаги «Нефт, газ конденсати ва нефт маҳсулотларини қабул қилиш, саклаш, ташиш, тарқатиш ва ҳисобини юритиш хақида» ги Йўриқнома ва бошқа меъёрий ҳужжатларига асосан қабул қилиб олинади.

### **5. МАҲСУЛОТ СИФАТИ**

5.1. «Истеъмолчи» нефт маҳсулотларини олаётган вактида жойида маҳсулотнинг сифат ва микдорини текшириб олади. Уз транспортида олиб чикиб кетган такдирда «Таъминотчи» сифат ва микдорига жавоб бермайди.

5.2. Етказиб бериладиган маҳсулот сифати давлат стандартлари ва техник шартларга мос келиши, ҳамда бу маҳсулот ортиш ва кузатувчи ҳужжатларда қайд этилиши лозим .

5.3. Нефт маҳсулотларини олган «Истеъмолчи» уларнинг сифатини сифат гувоҳномаси (паспорт) ни талаб килиш хукукига эга.

### **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. «Таъминотчи» ассосиз равишда нефт маҳсулотларини етказиб бериш муддатларини кечиктирганлиги ёки етказиб бермаганлиги учун «Истеъмолчи»га мажбуриятлар бажарилмаган кисми устидан бир утказилган кун учун 0,4 фоиз микдорида пеня тўлайди, лекин тўланадиган пенянинг умумий микдори етказиб берилмаган нефт маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўлаш, шартнома мажбуриятларини бузган томонни нефт маҳсулотларини кечиктириб ёки етказиб берилмаганлиги оқибатида юзага келган зарарни тўлашдан озод этмайди.

6.2. Амалдаги қонунчилик ёки хўжалик шартномаси, стандартлар, техник шартлар, сифат талаби, турлари ва ассортиментлари бўйича талабга тўғри келмаган нефт маҳсулотлари етказиб берилганда «Истеъмолчи» нефт маҳсулотларини қабул қилишдан бош тортиши, «Таъминотчи»дан талаб даражасида бўлмаган нефт маҳсулотлари қийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириши, агар маҳсулот қиймати тўланган бўлса, белгиланган тартибда тўланган маблагни қайтиб олиш хукукига эга. Талаб даражасида бўлмаган нефт маҳсулотлари етказиб берилганлиги учун жарима акцептсиз тартибда ундирилади.

6.3. Шартномада белгиланган муддатда олинмаган ва нефт маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га олинмаган маҳсулотининг умумий қийматининг 5 фоизи микдорида жарима тўлайди. Нефт маҳсулотлари тўлик олинмаган такдирда «Таъминотчи», жарима ундиришдан ташқари, маҳсулот олинмаганлиги натижасида кўрган зарар қийматини тўлашни талаб килишга хақли. бунда у мазкур маҳсулотнинг борлигига кафолат бериши лозим.

6.4. Тулов талабномасини асоссиз равишда тулик ёки кисман рад этганлик учун «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га рад этилган қийматининг 15 фоизи микдорида жарима тулайди. Етказиб берилган нефт маҳсулоти тўловини уз вактида туламаганлик ва дебиторлик карзи муддатини кечиктириб юборганлик учун «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов

суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

6.5. Ушбу шартномада бирон-бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик Кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида»ги конунга биноан кўлланилади.

## **7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ**

7.1. Агар шартнома тузилгандан сўнг иккала томон ўз мажбуриятларини ғайри табий ҳолатлар, сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаши ва бошқа табий оғатлар окибатида бажармаса, «Узнефтнайката ишлаш» АЖнинг, «Узбекистон Темир йуллари» АЖнинг айби билан ёки махсулот етказиб бериш хажми ва муддати юкори турувчи ташкилотлар томонидан узгартирилиши муносабати билан бузилса, хеч кайси томон тула ёки кисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар хисобланмайдилар.

## 8. ҚҰШИМЧА ШАРТЛАР

## 8.1.Күшимчалар

## **9. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ВА ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ ТАРТИБИ**

9.1. Мазкур шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартиришлар ва қўшимча ёзма равишда бўлиб, ҳар икки томон имзолангандан кейингина хақиқий ҳисобланади.

9.2.Мазкур шартнома шартларининг бажарилишида юзага келадиган низолар тарафлар уртасида узаро музокара йули билан хал этилади. Музокара йули билан хал этилмаган низолар эса амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда иктисодий судлар томонидан хал қилинади.

9.3. Ушбу нартнома 2 нусхада түзилиб, тенг хукукий күчга эга.

9.4. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача хакиций хисобланади.

**«DIAMOND KLASSIK SERVIS» МЧЖ**  
**Манзили** Нуробод тумани, Оқсой МФЙ  
**X/P** 20208000904875149001  
**Банк** АТБ Asia Alliance Bank Сам ф  
**СТИР** 300761106  
**МФО** 01143  
**ОКЭД** 47300  
**ИНДЕКС**

# Нуробод туман хокимлиги молия бўлими

**Манзили Нуробод туман Нуробод ш.  
Мустакиллик кучаси 2-уй  
X/R 100022860182357011312002010**

Х/Ф 100022860182337011312092019  
Една - Ташкент ш. музикалий бози

**Банк** Гашкент Ш.Марказий банк  
**СТИВ** 200778157

СТИР 20079457  
МФО 00014

МФО 00014  
ОКЭД 84110

ОКЭД 84119  
Тел. 66-633

Tel: 66-633-20-55, 633-11-71

John



## Директор

О.Абдусаломов

## ХУҚУҚИЙ ҲУЛОСА

Ушбу шартнома лойихаси Узбекистон Республикаси Фукаролик Кодексининг (хужалик шартномалари хакидаги умумий коидалар) 353 ва 354 моддалари хамда (маҳсулотлари етказиб бериш хакидаги умумий коидалар) 437-456-моддалари хамда Узбекистон Республикасининг 29.08.1998 йилдаги «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тугрисида»ги Конуннинг 11 булим 31, 32, 34-моддалари талабларига жавоб беради.

### Юрисконсульт:

**Нефт маҳсулотларини етказиб бериш туғрисида 2022 - йил  
«05» январдаги тузилган 6 - сонли шартномага илова**

Маҳсулот тuri	Давлат СТ ТШ	Улчо в бирлиги	Нархи	Йиллик миқдори	Суммаси	Шу жумладан чораклар буйича			
						1	2	3	4
Суюлтирилган газ (пропан)		литр	3000	1500	4500000	1500	0	0	0
Жами	x	x	x	1500	4500000	1500	0	0	0

«Таъминотчи»



«Истеъмолчи»



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

- 1. Loyihaning turi:** Shartnoma.
- 2. Loyihaning nomi:** “DIAMOND KLASSIK SERVIS” ma’suliyati cheklangan jamiyati o‘rtasida neft mahsulotlarini yetkazib berish to‘g‘risidagi №6-sonli shartnoma.
- 3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot:**

Nurobod tuman hokimligi moliya bo‘limi tomonidan 14.01.2022 yilda tuman YuXKMga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

2022 yil 14 yanvar

**Yuridik xizmat ko‘rsatish markazi**

**Bosh yuriskonsulti**



**Sh.Shoropov**